



# ЖАШЛИК СЎЗВИ



1991 йил 1 январдан  
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг газетаси

8 декабрь, пайшанба, 1994 йил  
Сотувда эркин нархда. № 241 (989)

## БАРҚАРОР ТИНЧЛИК ВА ЎЗARO МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК УЧУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА  
ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР ДАВЛАТ БОШЛИКЛАРИНИНГ БУДАПЕШТДА БУЛИБ  
УТГАН КОНФЕРЕНЦИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Мухтарам раис!  
Хонимлар ва жаноблар!  
Утган давр мобайнида Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши тузилмаларидаги ҳамкорлигимизни танқидий қўз билан таҳлил қилар эканмиз, биз мазкур кенгашнинг мақсад ва дастурий вазифалари Ўзбекистон манфаатларига тўла мос келишига яна бир бор амин бўламиз.

ЕХХК доирасидаги қўп томонлама мулоқотлар биз -- янги мустақил давлатлар учун демократик янгиланиш ва эркин бозор иқтисодиёти қурилишининг мураккаб йўлини босиб ўтган мамлакатлар ўзла қиритган мислсиз таъжибдан баҳраманд бўлишда кенг имкониятлар очади.

Хозирги замон шароитида ЕХХК ўрнини босадиган бирон-бир ташкилот йўқ. Бошқа минтақаларда ЕХХК сингари тузилмалар барпо этиш лозимлиги хусусида пайдо бўлаётган турли-туман фикрлар ҳамда бундай тузилмалар тузишга уринишларни биз **ноконструктив деб ҳисоблаймиз. Чунки, муҳкам, аниқ қиёфага эга бўлмаган бундай лойиҳалар, мулоийм қилиб айтганда, Умумевропа ҳамкорлиги борасида вужудга келаятган ижобий жараёнлар ҳамда бу жараёнларга бошқа минтақаларни ҳам тортиш ишига қўмаклашмайди.**

ЕХХК демократияни мустақамлаш ва давлатлар ўртасида янги чоралари масаласида шундай универсал тамойил ва йўналишларни ишлаб чиқиб, ўз фаолиятида фойдаланмоқдаки, бугунги кунда бутун-бутун минтақалар бу тамойил ва йўналишларга амал қилишдан манфаатдордир.

Мисол учун, бугунги кунда минг йилликлар давомида шаклланган тарихий, иқтисодий, маънавий тараққиёт борасида бир-бири билан чамбарчас ботлиқ бўлган юздан ортқ турли миллат ва элал вакиллари истиқомат қилаётган Марказий Осиё минтақасини олиб кўрайлик.

Табиийки, бундай ноёб шароитда бу минтақалаги давлатларда янги ижтимоий муносабатларни шакллантиришда **барқарорлик, тинчлик, бу ерда истиқомат қилаётган кешилар ўртасидаги миллатлар ва фуқаролик тотувлиги** энг муҳим қафолат ва мустақам мулоқот бўлиб хизмат қилади.

Бирок, аини пайтда биз Марказий Осиёнинг улкан табиий-хомаши, стратегик ва геогрофий-сиёсий геополитик салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, **унинг таъсир доираси ва кучлар мутаносиблигини сақлаб қолиш ҳамда тақсимлаш учун Ўзаро кураш майдонига, Европа мамлакатларига ҳам хавф туғдирадиган, нарқовонсиз ва кураш сизмоси кенг тарқалаётган минтақалаги айланаб бораётганини ҳам кўрмаслигимиз**



мумкин эмас.

Вужудга келган бу мураккаб шароитда бизнинг мустақиллигимизни ҳамда янгидан ташкил топган давлатлар суверенитетини мустақамлаш сазй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашда, ўтмишни соғиниш хусусида тобора кучайиб бораётган майлларнинг олдини олишда, сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг мустақамлашида ЕХХК ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Афғонистонда давом этаётган фуқаролар уруши, Тожикистон-Афғонистон чегарасидаги кескин вазият ва Тожикистоннинг ўзидаги ноинчлиқни ҳисобга оладиган тинчлик, ҳудудимизга экстремизм ва ақдипарастликнинг бостириб кириш хавфига йўл қўймаслик биз учун ҳаётий аҳамиятта эгадир.

Бугунги кунда Ўзбекистон **жамиятини қайта қуриш, кишиларнинг сиёсий ва миллий оғни, янги демократик қадриятлар тикланиши ва мустақамлаши** сингари қийин, бирок табиий жараённи бошдан кеирмоқда. Мамлакатда очик демократик давлат қуриш, бозор муносабатларини шакллантириш жараёни изчиллик билан бормоқда.

Мустақилликка эришганимиздан кейин утган уч йил биз танлаган йўл тўғри эканини кўрсатди. Биз ўтказаятган ислохотларнинг моҳияти, энг аввало, иқтисодиётни мафкурадан холи қилиш, унинг сиебатдан устунилиги, бизнинг шароитимизда «фалаж қилиб даволан» деб аталмиш усулни қўллаб бўлмаслиги, энг муҳими, кучли ижтимоий сиебатни амалга ошириш, ўтказилаётган ислохотларнинг изчиллиги ва босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлашдан иборат.

Демократия ва бозор ислохоти йўлидан муваффақият билан юриш учун минтақанинг узига хос хусусияти, яъни, айтган бўлардимки, маданий-тарихий заминини, шунингдек, халқимизнинг

руҳиятини яхши билиш ва ҳисобга олиш талаб қилинади.

**Биз кишилар тафаккурини ва уларнинг хусусий мулк ҳамда демократик қадриятларга муносабатини тубдан ўзгартирмай туриб, ислохотларнинг муваффақиятини таъминлаб бўлмаслигини яхши биламиз.** Бу ўринда ўн йилликлар давомида ҳужм сурган тоталитар тузум дарида бир неча авлод бу қадриятларга **мутлак бенисанлик руҳида** тарбияланганини ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди.

Биз ЕХХКнинг минтақамиздаги аҳамияти ва нуфузининг аниқ мустақамлаши, **«Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастурида фаол иштирок этиш** -- ҳодисалар номақбул йўналишининг олдини олиш ҳамда тикланиш жараёниларини демократик ислохотларнинг амалий ўзани сари йўналтириш учун зарур имконият яратишига аминимиз.

Энди ЕХХКдек ноёб анжуман фаолиятини янада тақомиллаштириш юзасидан бир неча мулоҳазамни баён этмоқчиман.

Совуқ уруш тамом бўлган ва СССР тарқаб кетганидан кейин халқаро майдонда давлатларнинг янги тури -- **иқтисодий ўттиш даридаги мамлакатлар** пайдо бўлганини эътироф этиш лозим.

Шу муносабат билан, назаримизда, ЕХХК, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий дастурларидан мазкур мамлакатлар иқтисодини жаҳон иқтисодиёти билан мувофиқлаштириш масаласига кўпроқ аҳамият берилиши зарур. Бу мамлакатларга нисбатан ёндоқувларда ва уларга берилган баҳо-ларда гоҳо кўзга ташланиб қоладиган **кескинликни юзга келтирувчи фикрлар асортидан** бутунлай воз кечиш керак.

Яна бир мулоҳаза. Равшаники, ЕХХКга фақат Европа мамлакатларига аъзо эмаслигини унутмаслигимиз лозим. Бирок, бу-

тинчликларварлик ишлари фақатгина ЕХХК мандати бўйича амалга ошириломоғи керак. Назаримизда, **давлатларнинг умумий қиргин қуролларини тарқатмаслик ва, айтган бўлардимки, бу қуролларнинг сайёрамиз бўйлаб ёйилишига йўл қўймаслик юзасидан олган мажбуриятларига қатъий риоя этишларига эътиборни кучайтириш зарур.**

Биз учинчи мамлакатларга **замонавий қурол сотишда янада қаттиқроқ меъёрлар ўрнатилиши зарур, деб ҳисоблаймиз.**

Хозирги пайтда ҳаётнинг ўзи қарор чиқарувчи ташкилотлар, шунингдек ижроня органлари, хусусан ЕХХК Бош қотиби нуфузини мустақамлашни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда айрим минтақаларда алоҳида кескинлик касб этаётган камсонли миллатлар масаласи ҳақида бир-икки оғиз гап. Бизнинг Конституциямиз, қонунчилигимиз ва кундалик ҳаётимиз миллати ва динидан қатъий назар Ўзбекистон ҳудудига яшаётган барча кишиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тенглиги учун зарур шароит яратиб берган.

Биз бундай сиебатнинг тўғрилиги ва ҳаётийлигини Европа давлатлари мисолида кўриб турибмиз ҳамда худди шундай ёндашувни амалга оширишни олимизда турган муҳим вазифалардан деб биламиз.

Биз кўш фуқароликни тақозо этадиган турли-туман тақлифларни қабул қилолмаймиш, чунки, кўш фуқаролик аҳолининг маълум қисмига устунилик бериб, мамлакатдаги ички барқарорлик ва тотувликни мувозаанатини издан чиқариши, номақбул оқибатларга олиб келиши мумкин.

Айтмоқчи бўлган сўнгги мулоҳазам шундан иборатки, ЕХХК экология муаммоларига эътиборни кучайтириши зарур, деб ҳисоблайман. Бу муаммолар ҳозирги замонда айрим миллатлар муаммосига янада бўлиб қолгани йўқ. Орол денгизга фожияси барчага маълум. Бу фожия барчага соғлиғига таъсир кўрсатмоқда, бундан ташқари номақбул ирсий ўзгаришларга олиб келмоқда. Бу ҳодиса минтақавий доираларда кўриб, умумзамин муаммосига айланганига анча бўлди. У бугунги кунда **бутун Евроосий минтақасидаги муҳит мувозаанатини жиддий тарзда** бўзмоқда.

Мен яна бир қарра жаҳон ҳамжамиятини ЕХХК сингари нуфузли ташкилот раҳбарлигида Орол муаммоси билан амалий равишда шуғулланишга, табиат ва бутун-бутун авлодлар саломатлигини сақлаб қолишга даъват этаман.

Бусагата турганимиз янги минг йилликни инсоният қандай қутиб олиши ҳар бир халқ, ҳар бир мамлакат ҳамда бутун ҳамжамиятнинг сазй-ҳаракатида бевосита ботлиқдир. Мана шу буюк вазифаларга муносиб бўлайлик.

Эътиборингиз учун ташаккур.

## ПРЕЗИДЕНТ ТОШКЕНТГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

6 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов Будапештдан Тошкентга қайтиб келди. Аэропортда мамлакатимиз Президентини Рес-

публика Олий Кенгаши Раиси вазифини бажарувчи Э. Халилов, Республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президент-

нинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов ва Тошкент шахри ҳокими К. Тўлаганов қутиб олди.

(ЎЗА)

## АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ ТАНТАНАСИ



А. ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган сурат.

7 декабрь кунини пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов очди. Ўзбекистоннинг Давлат мажлиси янтради.

Республика Президентини Ислам Каримов йиғилишда сўзга чиқди.

Бутун мустақил дидиримиз тарихидаги энг улў саналардан бири -- Асосий қонунимиз қабул қилинган куннинг икки йиллигини нишонляямиз, деди Президент. Зеро, Конституция жамият ҳаётининг пойдевори, мамлакатимизда қарор топган тинчлик, осийишталик ва миллатлараро тотувликнинг асосидир. Ишонанмки, унинг кечаятган кунимизга таъсирини, озолигимиз, эркиндигимизнинг ҳуқуқий қафолатини эканини шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир фуқаро сезиб, ҳис этиб турилади.

Мен кеча йирки халқаро ташкилот -- Европада Ҳамкорлик ва хавфсизлик кенгашининг Будапештда утган мажлисида иштирок этиб келдим. Шуниси диққатга сазоворки, жаҳондаги 53 та давлатни ўзида бирлаштирган мазкур кенгаш ишида Ўзбекистоннинг ҳам тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қатнашиши барчамизни қувонтиради, бу Ватанимизнинг дунёда ўз ўрни, овозига ва нуфузига эга бўлиб бораётганидан шаҳодат беради.

Базилларда Ўзбекистон Осиё қитъасида бўлса, Европада Ҳамкорлик ва хавфсизлик кенгашида иштирок этишидан қандай манфаат бор, деган савол туғилиши мумкин, деди Ислам Каримов. Аввало, шунини таъкидлаш керакики, 1975 йилда 33 давлат иштирокчида ташкил топган бу халқаро кенгаш таркиби йиллар оша кенгайиб бормоқда. Моломки, биз янги жамият, оод ва обод ватан қурмоқчи эканмиш, жаҳондаги, хусусан, Европадаги мутараққий давлатлар тажрибасидан имкони борича фойдаланмоғимиз керак. Бундан ташқари, ана шу давлатларнинг иқтисодий салоҳияти, ривожланаётган мамлакатларга ёрдам бериш имкони бағоят катта. Буни ҳам эътибордан соқит қилмаслик керак. Муҳими, мазкур халқаро ташкилотнинг асосий мақсади, нафақат Европада, балки бутун дунёда осийишталик, тинчликни қарор топтириш, моддий фароноликка эришмоқ бўлиб, бу гоилар бизнинг энг олғи мақсадларимиз билан муштаракдир. Қолаверса, ана шундай улкан анжуманларда фаол иштирок этиш, давлатга жаҳон аҳлини ўз овози, нияти ва сиебати билан воқиф этиш имконини беради. Обруйига-обру қўшади.

Биз бу кенгаш ишида қатнашар эканмиш, қандай масалаларни ўртага қўйдик? Биринчидан, Европада Ҳамкорлик ва хавфсизлик кенгаши фақат Европага доир муаммолар билан чекланиб қолмаслик, балки Марказий Осиёда ташкил топган мустақил давлатлар, уларнинг муаммолари билан ҳам изчил шуғулланиш керак, деган тақлифини айтдик. Хусусан, собиқ Югославиядаги мамлакатлар билан бир қаторда оғир вазиятни бошдан кечираётган Тожикистонга ҳам инсонпарварлик ёрдами ажратилиши лозим. Шунингдек, То-

жикистон ва Афғонистондаги вазиятга, умумжаҳон муаммосига айланган Орол фожиясига ҳам мазкур нуфузли ташкилотнинг эътиборини яна бир жабл этдик, бу борада амалий ишларга ўтиш вақти етганини таъкидладик.

Тараққий этган давлатларда сафарда бўлсам, у ердаги тўкин ҳаёт, фаровон турмушни кўриб, беихтиёр тарихни эслайман, деди Ислам Каримов. Шунда буюк марказлашган давлат бунёд бўлиб, Туронзамин гуллаб-яшнаган, бу ерда яшаган халқлар дунё цивилизациясига улкан ҳисса қўшган даврларда Европа қандай аҳволда эди, нега тарих гилдираги чаппа айлиниб кетиб, биз тараққийнинг пастки ўринларига тушиб қолдик, деган саволлар қайлимдан ўтади.

Ана шу вазиятдан чиқиб олишининг, ҳар бир фуқарога муносиб турмуш шароити яратиб беришининг йўли борми? Менимча, биз, мана шу азиз юртимизнинг ҳар бир фарзанди кўндалаги утга шартга амал қилмас, иншооллох, буюк орзуларимизга эришгаймиз. Аввало, толемизга шукрона айтишимиз керакики, гўзалликда дунёда тенгсиз юртимиз, меҳнаткаш халқимиз бор. Уларни асрашимиз, авайлашимиз керак бўлса, бу йўлда кўксимизни қалқон қилишимиз зарур. Иккинчидан, ҳар бир ватандошнинг, миллати, тили, дини, мавқени ва мансабидан қатъий назар, ватан менга нима бериб деб эмас, балки мен ватанга нима бердим, унинг равнақи йўлида нима иш қилдим, деган эътиқод билан яшаши лозим. Учунчидан, энг катта бойлигимиз -- дидиримизга қарор топган осийишталик, ҳамжихатликни кўз қорачиғидек авайлашимиз шарт. Бусиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Ота-бободаримиз «Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун баракетади», деб бежиз айтмаган.

Уттиш даврининг мураккабликлари, шу бонис иқтисодий аҳволимиз хали кўнглимизгағайла эмаслиги, халқимиз вазиятини тушуниб сабр-тоқат билан ҳаёт кечираётгани маълум, деди Президент. Бунинг учун улардан миннатдор бўлишимиз лозим. Лекин ҳеч ким мустақилликка, ҳурликка осонлик билан эришган эмас. Бу ҳақиқатни ҳам унутмайлик.

Мен Ўзбекистонини 23 миллионли улкан оила деб тасаввур этаман, деди Ислам Каримов пирулариди. Биз ҳамжамият бўлсак, ўз кучимизга, табиий ва илмий салоҳиятимизга таъниб иш кўрсак, ёрут кунлар албатта етамиз, авлодларга оун этганимиз -- оод ва обод ватан қолдирамиз! Бунга Конституциямиз халқимизнинг хоҳиш-иродаси сифатида асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Тантанали йиғилишда Республика Олий Кенгаши Раиси вазифини бажарувчи Эркин Халилов Ўзбекистон Конституциясининг икки йиллиги тўғрисида маъруза қилди.

Йиғилишда Республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Олий Кенгаш Раиси ўринбосари Б. Бутров, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазири ўринбосарлари, Тошкентдаги хоржий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди.

Аҳмад ХўЖА (ЎЗА).

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республика деҳқончилик саноати мажмуини ривожлантиришдаги, юқори мадалали мутахассислар тайёрлашдаги хизматлари ва ижтимоий ҳаётда фаол қатнашганлари учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН АРБОБИ»  
ЗОКИРОВ Ғулом Шокирович -- машина механизмлари ва деталлари назарияси кафедрасининг мудирини

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИРРИГАТОР»  
КАРИМОВ Раисиддин Мухиддинович -- гидравлика кафедрасининг мудирини  
ҚУЙДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЕРЛИГИ  
БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:

АБДУРАЗЗОҚОВ Абдулла Тошпулатович -- ер тузиш факультетининг декани  
ЗИЁТОВ Курбанбой -- автокорхона бошлиғини  
ЛЮБУТИН Андрей Борисович -- ўқув-ишлаб чиқариш устaxonасининг мудирини  
ПУЛАТОВ Зокир Ботирович -- ўқув-тажриба хўжалиғи директорини

Ўзбекистон Республикаси Президентини  
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
1994 йил 7 декабрь



АКС-САДО

МИЛЛАТ ҚАЛБИНИНГ НАВОСИ

«Инсон дунёга қўшиқ айтиб туғилди чақалоқнинг дастлабки «инга»-си бугун олам билан қўшиқ айтиб саломлаштириш деган ақлда мавжуд. Зеро, маънавиятни оҳанг ва навосиз тасаввур қилиб бўлмайди. Турли соҳаларнинг қалб нодалари, қўшқ зарбалари ичда эса энг таъсирли -- қон ва руҳ билан вужудга кирган миллий куй-қўшиқлардир. Бу неъмат қанчаллик азиз бўлса, шунча муқаддас ҳам, шунданми, асрлар ва йиллар силсиласида бу санъат турининг софлиги учун кураш худди она тилининг, атраф муҳитининг, об-ҳаётнинг софлиги учун кураш каби кун тартибда бўлиб келган.

«Халқ сўзи»нинг шу йил 11 октябрь сонида эълон қилинган «Санъат соҳаликини кеҳирмайди» мақоласига жамоатчиликнинг муносабати бу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлайди. Бинобарин, миллий мусиқа ҳақида қайғуриш айнан буюк келажак учун интилизнинг узви бир қисмидир.

Биз мақола юзасидан ўз муносабатларини билдириш учун таширф буюрган, қўнғироқ қилган, хатлар йўллаган муштарийларимизга яна бир марта миннатдорчилик билдириб, уларнинг фикрларидан баъзи урилларини келтириб ўтишни лозим кўрдик.

Албатта, ҳар соҳанинг ўз эгалари бўлганидек, қўшиқчиликнинг ҳам «иссиқ-совуғи» шу соҳа кишиларига тааллуқли. Бу борада жиддий мулоҳаза юритишдаги муаммолар тўпланиб қолгани сир эмас. Бу ҳол ўзоқ йиллар миллий маданият ва ҳаёт тартибига бир томонлама муносабат оқибатидир. Олайлиқ, санъат билим юртлари дастурида Фарбин Шопен, Бетховен, Лист каби композиторлар ижоди ўрганилгани ёмон эмас. Бироқ нега музакам Шарқнинг буюк муганийлари, соҳандалари, машоққлари ижоди ҳақида маълумот ҳам берилмайди? Бир лайдлар симфония, опера, увертюра каби йирик асарлар ёзиш одат тусига кириб кетди. Уларнинг қайсилиги миллий заминда омалашди-бу саволга жавоб очик қолди. Ҳолбуки, бундай улкан «ижод» анча вақт ва маблаг талаб қилганди. Мабода, уша имкониятлар асил ўзбек мусиқасини ўргатиш ва таҳлил қилиш сарфланганда, халқимизнинг мусиқа савийиси анча юксак бўларди...

Раҳматжон ТУРСУНОВ, бастakor. Ўзбек мусиқаси камалакка ўқшайди, яъни ҳар бир ўрамнинг ўз қиёфаси ва кайфиятини ифодаловчи лапарлар, ялалар, ер-лар... Уларни қоринириб юбориш, ўрталдаги нозик фарқи ангилмаслик, дидни ўтмаслаштириб, меросимизни тор қолитга солиб қўйди.

Энди ишни аввалдан бошла, фонотекамиздаги барча куй-қўшиқларни истиқлол назаридан ўтказаск ҳам ёмон бўлмасди. Мени қўшиқлар учун танлаётган шейрлар қўшиқларини. Ахир соҳа журғилда наво бўлиб дилга кирини шарафни энг нодир назм турига насиб этиши керак-ку. Қўшиқ фақат оҳанг билан эмас, балки ақлда таъсир этувчи салмоқли матн билан ҳам эътибор

лошайлик. Хусусан, санъатимиз, унинг ажралмас қисми-қўшиқчиликнинг бугунги ва келажги жиддий эътибор талаб қилади. Мен қўшиқларни азал-азалдан инсонни диниёнат чорловчи, ота-онага ҳурмат, Ватанга муҳаббат руҳида тарбияловчи восита деб биламан ва шу нуқта-назардан баҳо бераман. Ўзим мусиқа санъатимизнинг дурдоналарини қўшдан бери тўлаб келаман. Ҳозир шахсий фонотекада юздан ортиқ хонанданинг соф миллий соҳар жуғлигида қўйилган икки миндан зиёд қўшиғи сақланмоқда. Уларда буюк мўъжиза ишорини. Комилжон Отанбаев қўйилган дунё тобора тиниқлашганда, табиат мўъжиза бўлиб, кишини яхшиликка ундаётгандай бўлади. Маъмуржон Ўзоқов оҳангига эса она Ватан меҳри, бетимсол табииётимиз сўҳри кишини қўшад оларди. Мукаррама Азизова, Султонпоян Раҳимова, Фарҳиддин Умаров ижоди ўзинга хос олам. Ешлар бу ҳазинадан баҳраманд бўлмасдан бирор муваффақиятга эриша омайдилар.

Муҳаммад ОБИДОВ, Ўзбекистон ХДП Рингон туман кенгашининг биринчи котиби. Ешим 60 да, жамоа ҳужалигида касабга уюшмас раис бўлиб ишлайман. Мақолаи ўқиб, инсон умри, ёшлик, ганиматлиги, кексаллик фароғати ҳақидаги салмоқли қўшиқлар кўпроқ яратилса, деган фикрга келдим.

Г. АШУРОВ, Ўзур туманидаги Майна Ҳасанова волид жамоа ҳужалиги. Бир пайлар Шекспирнинг «Отелло»сини Ҳамза театрида қўрган инглиз парламентининг аъзолари бунақа ижрони Англияда ҳам гувоҳи бўлмаганликлари эътироф этишганди. Мукаррама Турғубоева Ҳиндистонда ўз рақсларини намойиш этганда унга «убедеклар Ҳиндистонни кашф қилди» деб баҳо беришган эди. Ҳозирги ёш санъатчилар турли оҳангларга ўйнаётган экан, бу, аввало, санъатимиз тарихидан баҳарликланди. Бизда санъат тарбияоти яхши йўлга қўйилмаган.

Асрор АҲРОРҚУЛОВ, Жизжаз вилоятидаги Фориш тумани Фахрийлар кенгаши раиси. Хатларда баёи қилинган фикрлар бир нарсани тасдиқлайди: ҳеч вақтда тақлид билан санъатда ном қозониб бўлмайди. Ҳозир кенг урф бўлаётган мусиқа оҳангларга қўшимча маълумот берамиз. Бошқарма бошлиғи: Т. УСМОНОВ.

ТАХРИРИЯТДАН: «Санъат соҳаликини кеҳирмайди» мақоласи газетда эълон қилинганда икки ойга яқин вақт ўтса-да, шаънига эътирозлар билдирилган ва тақлифлар изҳор қилинган Маданият ишлари вазирлиги ва «Ўзбекстрада» бирлашмаси ўз муносабатини билдиргани йўқ.

«Халқ сўзи» МУХБИРИ. ҲАКИМ САТТОРИЙ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ХАЛҚ СЎЗИГА» ЖАВОБ БЕРАДИЛАР. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўнгли спорт иншоотлари ва спорт тадбирларини таъминлаш бошқармаси:

«Алпомиш» саройида ўтказилган шоу дастури говийи ва бадийи савийиси замон талабига жавоб бермагани учун бундай тадбирлар ўтказиш таъқиқлаб қўйилди. Яқин кунларда Маданият вазирлиги билан ҳамкорликда таниқли бастакорлар, режиссёрлар, шоирлар, хонанда ва соҳандалардан иборат жамоатчилик асосидаги бадийи кенга тузишга қарор қилинди. Шунингдек, «Санъат соҳаликини кеҳирмайди» мақоласига қўйилган масалаларни атрафлича ўрганиш бунйча комиссия ташкил қилинди. Унинг ҳулосалари ҳақида сизларга қўшимча маълумот берамиз. Бошқарма бошлиғи: Т. УСМОНОВ.

Хусусийлаштириш — бойлик ва фаровонликка элтувчи йўл

СОТИБ ОЛИНГ ВА ЭГАЛИК ҚИЛИНГ! ХҲРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги мулк қўйиматини йўқламолаш, баҳолаш ва турар-жой жамғармасини хусусийлаштириш мудирлиги, ҳамда Тошкент шаҳрининг қўчмас мулк универсал биржаси 1994 йил 28 декабрда Тошкент шаҳрида кўчмас мулк объектларини хусусийлаштириш очик «Кимошди савдоси» ўтказилишини маълум қилди.

Кимошди савдосига қуйидагилар қўйилади:

- 1. Қурилиши тугалланмаган икки қаватли, саккиз хонали, пардоз ишлари бажарилмаган 12-коттедж. Тошкент шаҳар, Акмал Икромов тумани, «Уриқзор» даҳаси ҳалқа йўли ёнида жойлашган 12-коттедж. Ер майдони -- 417 кв.м. Унинг фойдали майдони -- 402,5 кв.м. Уй икки қаватли ертўлали (147 кв.м., баландлиги 2,8 м). 1-қаватда: 2 та ётоқхона, зал, ошхона, ҳаммом, сантармоқ, айвон, йўлак. 2-қаватда: 3 та ётоқхона, меҳмонхона, ишхона, ҳаммом, сантармоқ, ёзги айвон, айвон. Уйнинг режаси -- 12,5х12, баландлиги -- 10 м. Деворлари пишган гиштан, томи чордоқли, ёғоч сарровлари шиферланган. 12-коттеджнинг бошланғич нархи -- 600,0 минг сўм.
- 2. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ИККИ ҚАВАТЛИ, 7 ХОНАЛИ ПАРДОЗ ИШЛАРИ БАЖАРИЛМАГАН 13-КОТТЕДЖ. Тошкент шаҳар, Акмал Икромов тумани, «Уриқзор» даҳаси, ҳалқа йўли ёнида жойлашган 13-коттедж. Ер майдони -- 600 кв.м. Унинг фойдали майдони -- 521,6 кв.м. Бино икки қаватли, ертўлали, (147 кв.м., баландлиги 2,8 м). Гаражли. 1-қаватда: ётоқхона, меҳмонхона, айвон, йўлак, ошхона, ҳаммом, сантармоқ. 2-қаватда: 3 та ётоқхона, меҳмонхона, ишхона, айвон, ёзги айвон, ошхона, ҳаммом, сантармоқ. Уйнинг режаси 19,6х12 м. Бинонинг баландлиги -- 10 м. Деворлари пишган гиштан, томи чордоқли, ёғоч сарровлари шиферланган. 13-коттеджнинг бошланғич нархи -- 800,0 минг сўм.
- 3. ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ, 20 ДАҲАСИНИНГ СЕГИЗБОВЕВ КУЧАСИ, 19-УЙ БИНОСИДА ЖОЙЛАШГАН «ТОШШАҲИДУЛОВЧИТРАНС»ГА ҚАРАШЛИ 7-ЕТОҚХОНА. Бино 9 қаватли, панелли, 96 хонадан иборат бўлиб, автобус ва трамвай йўналишларидан унчалик узоқда бўлмаган, яшил зонада жойлашган. Умумий майдони -- 2580 кв.м. Фойдали майдони эса -- 1344 кв.м. Бино 1981 йилда қурилган ва яхши ҳолатда. Ер майдони белгиланган тартибда доимий фойдаланишга берилди, ёрдамчи хоналар сони 6 та. Бинонинг бошланғич нархи 5 миллион сўм.
- 4. ЛИСУНОВА (ОҲАНГАРОН) ЙУНАЛИШИ КУЧАСИ 68-БИНОДА ЖОЙЛАШГАН «ТОШШАҲИДУЛОВЧИТРАНС»НИНГ 4 ҚАВАТЛИ ЕТОҚХОНАСИ. Бино 4 қаватли, 1976 йил пишган гиштан қурилган, яхши ҳолатда. Умумий майдони -- 2504 кв.м., фойдали майдони -- 2388 кв.м. Ер майдони белгиланган тартибда доимий фойдаланишга берилди. Етоқхона худуди металл девор билан ўралган, қурилиш тугалланмаган жойлари бор. Яшаш хоналари сони 152 та, иссиқлик, газ ва сув билан таъминланган, ер майдони -- 0,8 га. Бошланғич нархи ер участкаси билан биргаликда -- 4 млн. сўм.
- 5. МАЪМУРИЙ БИНО. ЮНУСОБ ТУМАНИ ОРИПОВ КУЧАСИ, 29-УЙ. Бино бир қаватли бўлиб хом гиштан қурилган. Унинг умумий майдони -- 276 кв.м. Хоналар сони 12 та. Қурилиш майдони -- 360 кв.м. Ер участкасининг умумий майдони -- 527 кв.м. Бинонинг бошланғич нархи -- 1.200 минг сўм.
- 6. МАЪМУРИЙ БИНО. СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИ, УСТА ШИРИН КУЧАСИ, 123-УЙ. Бино бир қаватли бўлиб, пишган гиштан қурилган. Унинг умумий майдони -- 605 кв.м. Хоналар сони -- 22. Қурилиш майдони -- 907 кв.м. Бинонинг бошланғич нархи -- 1.100 минг сўм.
- 7. МАЪМУРИЙ БИНО. МИРЗО УЛУГБЕК ТУМАНИ, «БУЮК ИПАК ЙУЛИ» (ЛУНАЧАРСКИЙДАГИ) АВТОСЕРВИЗ ЕНИДА ЖОЙЛАШГАН) КУЧАСИ, 305-УЙ. Бино бир қаватли бўлиб хом гиштан қурилган. Унинг умумий майдони -- 180 кв.м, хоналар сони -- 10 та. Қурилиш майдони -- 338 кв.м. Ер участкасининг умумий майдони -- 574 кв.м. Бинонинг бошланғич нархи -- 450 минг сўм.
- 8. ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ХОРИЖЛИК ҲУҚУҚИ ВА ЖИСМОНИЙ

ШАҲСЛАРГА ЕР МАЙДОНЛАРИНИ ИЖАРАГА БЕРИШ БУЙИЧА.

Тошкент шаҳри Юнусобод тумани А. Навоий кўчасидаги «Дустлик» меҳмонхонаси билан ДЭУ магизини оралиқдаги участка 8 сўтихли ер майдонлари, ижарага берилди. (49 йилга). Бошланғич нархи ҳар 1 кв.м. учун 1 йилга -- 15,0 АҚШ дол. Тошкент шаҳар, Миробод тумани Нукус кўчаси ва Афросиёб кўчаларининг кесилган жойидаги ер майдони. Ер майдони иккита участкадан (0,18 га ва 0,17 га) иборат. Бошланғич нархи ҳар 1 кв.м. учун 1 йилга -- 15,0 АҚШ дол.

9. АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ

- 1. ГАЗ-5204
- 2. ГАЗ-6611
- 3. ЖУК-А-06
- 4. ГАЗ-52
- 5. ГАЗ-51
- 6. НИССАН-522
- 7. НИССАН-522
- 8. КАМАЗ-5410
- 9. ЗИЛ-130
- 10. КАМАЗ-5410
- 11. ЗИЛ-130
- 1. Кимошди савдосида иштирок этиш учун ариза ва бошқа зарур ҳужжатларни ўз вақтида топширган, хусусийлаштириш объектларининг бошланғич нархидан 10% миқдорда гаров пулини белгиланган тартибда тўлаган ҳуқуқий ва жисмоний шахслар савдода иштирок этадилар.
- 2. Тўлов шакли турли йўллар билан амалга оширилади.
- 3. «Кимошди савдоси» да қатнашиш учун аризадар ҳар кунги (якшанбадан ташқари) соат 9,00 дан 18,00 гача, шанба кунги соат 9,00 дан 15,00 гача Тошкент ш., Абдулла Қодирий кўчаси, 13 уй, биринчи қават, 1-хонада «Кимошди савдоси» ҳайъати томонидан қабул қилинади.
- Сиз бу ерда объектлар билан батафсил танишишингиз ва сизни қизиқтирган барча масалалар буйича маслаҳатлар олишингиз мумкин.
- Маълумот учун телефонлар: 44-53-77, 44-53-68
- Аризаларни қабул қилишнинг охириги кунини 1994 йил 26 декабрь.
- Объектларни хусусийлаштириш очик «Кимошди савдоси» 1994 йил 28 декабрда соат 10,00 бўлиб ўтади.
- «Кимошди савдоси»ни ўтказиш жойи: А. Қодирий, кўчаси -- 13 уй, 1-қават, «Кимошди савдоси» зали.
- «Кимошди савдоси»ни ўтказиш ҳайъати.

"СОВГА" ЛОТЕРЕЯСИ — БУ СИЗ ОРЗУ ҚИЛГАН ЛОТЕРЕЯДИР!

Бунақаси ҳеч бўлмаган! "Совга" лотереяси Сизга реал ютуқ ютиши имкони беради! Лотерея ўйинига автомобиллар, видеоаппаратуралар, телевизорлар, мебель комплекслари, гиламлар ва турли хил халқ истеъмол моллари қўйилган.

Ютуқ чиқиш имкони катта, чунки лотереяга умумий сумманинг 70 фоизи ютуқ сифатида тарқатилади.



Шошилинг! Ютуқлар тиражи 28-29 декабрда Тошкент шаҳридаги "Навруз" саройида ўтказилади.

Шошилинг! Ютуқлар тиражи 28-29 декабрда Тошкент шаҳрида ўтказилади. Тўлиқ маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банкнинг барча муассасаларидан, шунингдек, 45-35-49, 45-66-43, 33-51-95 рақамли телефонлар орқали олишингиз мумкин.

Лотерея сотиб олинг ва тиражда қатнашинг! Сизга омад тилаймиз! Маълумот учун телефонлар: 45-35-49, 45-66-43, 33-81-95.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банки, "Ўзбексавдо", "Ўзбекбирлашув"



Муштарий илҳоми

ИҚБОЛИНГ ҚУЁШИ ПОРЛАГАН ДАВР

Қалби кўшиқ, қулуга тўлган Дўстлар келса, қулбам қасрдир. Қалбим, дилим, жоним сизларга, Ғаним келса, кўнглим асрдир.

Эҳтирослар ёнар танамда. Доим бўлинг бирга оламда. Ҳар гал бўлсин ғаним аламда. Омон бўлинг, дўсти ёронлар. Ўйнаб қулинг, дўсти ёронлар.

ОРЗУ

Кўзларим чақнайди, меҳнатларимни, - Кўролсам майсанинг япроқларида. Меҳнатдан фаровон турмушнинг ўзи, Шу гўзал Ватанинг тупроқларида.

Улуғ насибадир тирикчилигимда, Жон фидо айласам Ватаним сенга, Эҳтирослар ёнар, ёнар юраклар, Этолсак Ватани танҳо дунёда!

Улуғ ният билан қўйилди қадам, Аждодлар руҳидан айтилди калом. Дўстлар, мададкорлик ривожимизга, Азалий дўстлардан сизларга салом.

ХАСИС

Кўпчилик бор бошлар иморат, Дўстга ёрдам қўлинг чўзади. Хасислар бор, иложи бўлса, Иморатинг гиштин бузади.

Истамайди шодлик кунингда Ҳатто ширин сўзин айтишни. Тиллари лол танглайга қотган, Йўлини излар, панд бериш иши

Дўстлар, назар солманг уларга Имон берманг, қувват олмасин. Униб-ўссин яхши одамлар, Бир яхши ҳам ноҳар қолмасин.

Юсуф, эгма бошингни пастга, Бардош ила қудратинг кўрсат. Халққа душман ундай пастларга, Имон берма, айнайдир фурсат!

ЭЗГУЛИК

Эзгуликка эш бўлганин сийлар шоху султонлар ҳам. Хайр-эхсон қилганин писанд этмас гадолар ҳам.

Олий фармон-халққа малҳам: обод ўлка бунёд бўлар, Хайрсиздан худо сақла: Бўстонлар ҳам барбод бўлар,

Қанча-қанча савоб ишлар инсон шарофатидандир, Дилимдаги бегуборлик, Элим маърифатидандир,

Устозлар йўлидан бориб, мурод-мақсадга етайлик, Хотирасин тавоб айлаб Руҳларини шод етайлик.

Юсуфжон ЕҚУБОВ.

Хаволи боғинга -- обод уйинга, Одамлар оқими келар дўстона. Гуёки катта тўй, катта тантана. Бозорга ўхшайди катта остона.

Иқболинг қуёши порлаган давр: Насибанг улғудир -- қўллагай дўстлар.

Сирли жумлаларни қаторлаштириб, «Қаро» деб хат битар назари пастлар.

Ҳақлигинг -- виждонинг суянчигидир, Сендаир назари азиз халқимнинг. Олқишга сазовор бўласан ўзинг Пастларга мот бўлма, учар ёлқининг.

ДУСТ ЙУҚЛАБ КЕЛГАНДА...

Кўп қувондим, шод бўлдим, дўстлар, Остонамда кўриб сизларни. Дўстлик авжга чиқар шу кунда Дийдор истар сизу бизларни.

Бизни ҳаёт шундай яратган, Саҳроларни бўстон айланг деб. Озод ўлкам, Ўзбекистонда, Меҳнат қилиб ўйнаб-қулинг деб.

Қалб саховати

ХИРОСИМАДА бўлиб ўтган XII Осиё уйинларида мамлакатимизнинг камсонли енгил атлетика жамоаси саккизта медалини қўлга киритди. Шундан учтасини найза улоқтирувчилар -- Оксана Яригина (олтин), Владимир Парфёнов (кумуш), Виктор Зайцев (бронза) олиб беришди.

БИРОҚ бутун биз ўзбекистонда шаклланган найза улоқтириш мактаби ҳақида ҳам, ўз шогирдларини маҳорат чўққисига олиб чиқишга қодир мутахассислар ҳақида ҳам гапирмоқчи эмасмиз. Бизнинг ҳиқоимиз спортга бевосита алоқадор бўлмаган ва шу босис доимо «кадр орти»-да қолдирган кишилар ҳақида. Зеро, улар-сиз юқорида тилга олинган медаллар ҳам, найза улоқтириш бунгача ўзбек мактаби деган тушунчанинг ўзи ҳам бўлмас эди. Бу фикрнинг исботи учун далилни узоқдан ахтаришнинг ҳолати йўқ. Атрофимизга қарасак бас, етакчи спортчиларимиз сафи анчагина сифрақлаштириб қолганини, бир қатор спорт турлари заифлашганини яққол кўрамиз.

Ҳа, бир қатор таниқли спортчи ва мутахассисларимиз Ўзбекистонни тарк этишди. Айтишлари-ку, ахир «биз йўқ жойда ҳаммаси яхши бўлиб туйилаверди», деб. Аммо ўз Ватанида қолганлар ҳорижда «харидор» топилмагани учунгина эмас балки, бир томондан орномус тушунчаси, спорт тури тақдирига нисбатан шахсий масъулият ҳисси усталиги қилиди. Иккинчи томондан кимларнингдир моддий ёрдами, қалб саховати уларни спорт шарофти учун хизмат қилишга ундади.

Бу борала ҳам мисоллар оз эмас. Ҳомийлар орасида энг саҳийси Ўзбекистон кураш федерациясидир (Президенти А. Рузиев). Аммо биз у ҳақда эмас, балки ходимлари сони жиҳатидан кичкинагина, бироқ иқтисодий салоҳияти жиҳатидан ўта бақувват бўлган «Ўзбекфорум» ишлаб чиқариш-тижорат маркази хусусида сўз юритмоқчимиз. Шу марказ шарофати туйғайли Ўзбек енгил атлетикаси ўзининг энг иқтидорли найза улоқтирувчилари ҳисобланмиш Виктор Зайцев, Владимир Парфёнов, Оксана Яригина, Елена Свеженцева ва Сергей Войновларни ягона сафда сақлаб қолди.

Авал бошданок айтиб қўя қолайлик: «Ўзбекфорум»ни уйингоҳлардаги йирик эълонлар тахтаидан номлари кўзга яққол ташланиб турадиган, телекурсуларда тинимсиз намоён этиладиган фирмалар билан бир сафта қўйманг. Негаки, «Ўзбекфорум» раҳбарларининг асл мақсадлари ўзларини кўз-кўз қилиш ҳам, шахсий фойда кетидан қувиш ҳам эмас. Ҳозирги вақтинчалик иқтисодий қийинчилик шароитида кам таъминланганларга ёрдам қилини чўзиш, ўз эҳтижларидан ортастган ларомадини шунчаки, баҳам кўриш, холос. Бу -- савобли иш. Бу -- «Ўзбекфорум» президенти Бахтиёр Тожибоевнинг, бош директор Комила Ковтунова-нинг ва умуман, бутун жамоанинг қалб амри. Ёрдам кўрсатиш учун у ёки бу жамоа танланар экан, бунинг замирида таъминчилик бўлмайди, аксинча, вақтинча қийин моддий аҳволга ту-

шиб қолганларни қўллаб юборишдир. Наврўз арафасида «Ўзбекфорум» ҳамма ва Мирзо Улўбек туманлари ҳокимликлари орқали бу ердаги болалар уйлари учун 2,5 миллион сўм-купон пул ўтказди. Ва яна ўзининг тивувилик цехида тайёрланган 500 дона болалар кийимини топширди.

Ота-онани улғулаш, иззат-ҳурматини жойига қўйиш азалдан қолган хайри удум.

САВОБ



Суратда: К. Ковтунова.

«Ўзбекфорум» ҳар бир муҳтож пенсионерга алоҳида ёрдам бериш имконини топаётти, ҳатто айрим кексаларни шифохонага пул тўлаб ётқизди.

Болалар -- келажигимиз. Улар давр билан ҳамнафас қалам ташлаш кўнжамасига эга бўлиб боришлари учун «Ўзбекфорум» 424-болалар боғчасида компьютер синфини жиҳозлади. Рузгорига ҳам кўмаклашиб, туртта чанготиш соғва қилди, янги йил нонушталарини уюштиришда қатнашди...

Москвада ўтадиган «Тонг юлдузи» танлови МДХ мамлакатларининг ҳаммасидан иқтидорли болакайларни тўплади. Йўл ҳақи қиммат бўлишига қарамай, «Ўзбекфорум» туйғайли бизнинг ёш истеъодларимиз ҳам «Тонг юлдузи»-да қатнашдилар. Ишлаб чиқариш-тижорат марказининг навбатдаги режаларидан эса истеъодли ёшларни илмгоҳларда ўқитиш учун икки-учта махсус стипендия таъсис этиш ўрин олган.

Маълумки, Оролбуйи экологик жиҳатдан мурқаб минтақа «Ўзбекфорум» Челябинск кувирпокат заводидан Қорақалпоғистонга беш вагон кувир келтириб берди. Бу маҳсулотнинг тақчил эканлигини ва у бу минтақа учун зарурлигини ҳисобга олсак, «Ўзбекфорум» фақат ўзинимас, узгаларни ҳам уйлаётгани маълум бўлади. Унинг ҳомийлигидан баҳраманд бўлаётганлар орасида спортчиларнинг ҳам борлиги бу фикрни тасдиқлайди. Ўзбек спортчи ўзига яраша обрў-эътиборга эга. «Ўзбекфорум»дагилар спортнинг етол тенниси турида яхшигина хабардордир. Комила Ковтунова эса олтинчи йилларнинг урталарида Тошкентнинг «Текстильщик» кўлтўпи жамоасида уйнаган. У пайларда бу команда республикада етакчи бўлиб, Ўзбекистон терма жамоасининг асосини ташкил этарди. Умуман, у спортчилар оиласидан.

Укаси Шомил ўта тажрибали найза улоқтирувчиларга устозлик қилади. Ўғли -- енгил атлетикачи. Жисмоний тарбия институтини битирган, ҳозир «Меҳнат резервлари»-да ишлайди.

Собиқ совет спортчилари сўнгги бор ягона команда сифатида қатнашган Барселона Олимпиадасидан сўнг истеъодларнинг чет элга кетиб қолиши авж олди, -- деб эслайди Шомил Капкаев. -- Ўзбек енгил атлетикаси лангарчўп билан сарқовчи дарида ҳамма спортчиларидан ажраган эди. Найза улоқтирувчилар эса тарқаб кетмадиларинга эмас, балки машқларни аввалгидек давом эттирдилар. Холбуки, ўша вақтда спорт кўнжамасида ўқув-машқ йиғилишлари, сафарлар ва стипендиялар учун маблағ деярли йўқ эди. Шундай оғир шароитда «Ўзбекфорум» ёрдамга келди. Хозир ютуқларимиз билан фахрлана оламиз.

Фирманинг спортчиларимизга, умуман спортимизга ёрдами шунчаки, ҳомийликдан бошқа нараса эмас, -- дейди Ш. Капкаев. -- Зеро, бугунги кунда «Ўзбекфорум» ўзини реклама қилишга муҳтож эмас.

Турга гап, улар пул топишни яхши билишди. Фақат ўтган йилнинг ўзида «Ўзбекфорум» республикага 40 вагон кувур, 13,5 минг тонна суолтирилган газ етказиб берди. Бу йил республика шундай газга катта эҳтиж сезиб турган бир пайта яна 10 минг тонна келтирилди. Бу ҳам равон йўлга қўйилган амалий алоқалар ҳамда бош директор Комила Ковтунованинг тиниб-тинчимаслиги шарофатидандир.

Ташаббускорлик -- Комила Ковтуновага хос хислат. Бугунги кунда ишлаб чиқариш-тижорат марказининг кенг дастури, қўллаб-қувватлаш бўлиши бежиз эмас. Чунотки, Белорусдан Ўзбекистонга сантехника, кафеъл-плиталар келтириш режаланимоқда. Тошкент шаҳри ақинидаги Майск посёлкисидан бир кунда 8-10 тонна гўшт маҳсулотлари ва дудламалар ишлаб чиқарилган кичик гўшт комбинати қурилиб, ускуналарни монтаж қилишга киришилди. У Янги йилда тошкентликларни дастлабки маҳсулотни хушнуд этади.

С. ДАНИЛОВ.

ПТ. Прима Комексиндо КОМПАНИЯСИ (Индонезия Республикаси)

Президент Ислон Каримовни ва бутун ўзбек халқини буюк байрам - Конституция куни билан табриклаш шарафига муяссар эканлигидан гоят мамнундир.

Қабул қилинганлигининг икки йиллиги шу кунларда танатанали нишонланаётган Асосий Қонун мустақил Ўзбекистон эришган энг йирик ютуқлардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлат томонидан муҳофаза қилинадиган шахсий ҳуқуқларнинг яхлит тизимига эга.

Ўзбекистон халқига демократик ҳуқуқий давлат, кучли, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишда янги муваффақиятлар, бахт ва фаровонлик тилашга ижозат бергайсиз.



Газетамизнинг навбатдаги сони 10 декабрь шанба куни чиқади.



ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

«Ўзулгуржибиржасавдо» қошидаги доимий фаолият кўрсатувчи «Ярмарка» халқ хўжалиги соҳасидаги барча маҳсулотлар турлари бўйича савдо-сотик ярмаркаларини ўтказишни эълон қилади.

1995 йилда ўз корхонагизни керакли маҳсулотлар билан юз фоиз таъминлаш имкониятига эга бўласиз! Макомини қўлаган бой берманг! Дикқат, барча корхона ва ташкилот, тижорат фирмалари раҳбарлари! Ярмаркада харид қилинган маҳсулотларни Республикадан ташқарига жўнайтиш лицензиясиз ва дожхона дожлари тўловисиз амалга оширилади! Кўшимча маълумотлар учун манзилгоҳ: 700038, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 7. Телефонлар: 41-18-21, 41-22-54, 41-30-93 ва 41-11-81.

Савдо-сотик турлари: 9 декабрь - 14 декабрда МНЧБ «Тошкент» мебель «Магазин-Мавзук» кўчаси, 254 16 декабрь - 21 декабрда Тошкент ш., Навоий-7 кийим-кечак. 22 декабрь - 29 декабрда Тошкент ш., Навоий-7 озиқ-овқат маҳсулотлари.

«БАРИШ ТИЖАРЕТ» Шўба ширкати нақд пулсиз тўловларга қуйдаги молларни сотиб олишга эҳтиёжи бор: 1. Пахта иplikлар (№ 34, 5 ва 40, 2 биринчи сорт). 2. Катта мол териси (хўл ҳолда тузланган)(170x160 см). 3. Жайдари қўйлар терилари (70 дц. дан катталарини ва 1 навлари бўлиши лозим). Ҳамда ушбу ширкатнинг Тошкентдаги омборидан Пилорама сотилади (Туркия маҳсулоти) Биз учун хар турли тўловлар қулайдир. Маълумот учун телефонлар: 41-00-72, 41-01-72

Тошкент архитектура-қурилиш институти маъмурияти ва жамоат ташкилотлари ҳамда физика кафедрасининг ходимлари шу кафедра катта ўқитувчиси Ҳалимаҳон АҚҚАРОВАнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзия билдирадидилар. Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерацияси кенгаши, касабалар уюшмалари «Ўзбекистон» жисмоний тарбия ва спорт жамияти марказий кенгаши, республика «Пахтакор» жисмоний тарбия-соғломлаштириш клуби ушбу клуб директори Собиржон ЮСУПОВнинг бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари қариндошларига чўқур таъзия изҳор қилади. Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети жамоаси «Сибсатшунослик» кафедрасининг доценти Ю. Магдиевга рафиқаси Зухра МАГДИЕВАНинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир: Анвар ЖўРАБОВ. БУЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Қишлоқ хўжалиги 32-07-94; Иқтисодиёт 32-36-65; Маънавият 32-35-60; Аxbорот 32-29-89; Тузи муҳарририят 33-10-28. МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 19-уй. Навбатчи муҳаррир -- А. Йўлдошев. Навбатчи -- У. Ғоибов.